

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№32

2024-yil
14-avgust, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТИЛДИ

Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистон учун мамлакат мустақил тараққиёти тарихидаги энг муваффақиятлиси бўлди. Бу галги олимпиадада Ўзбекистондан жами 90 нафар спортчи иштирок этди. Мусобақа якунида 13 та медал жамғарилди. Шулардан 8 таси олтин, 2 таси кумуш ва 3 таси бронза медаллари бўлди. Юртимиз медаллар ҳисобида 206 давлат орасида 13-ўрин, Марказий Осиё, МДХ, Ислон бирдамлиги ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар орасида 1-ўрин, Осиё бўйича эса 4-ўринни (Хитой, Япония ва Жанубий Кореядан кейин) эгаллади.



Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори ошади

Ўзбекистонда 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар 15 фоизга оширилади. 1 октябрдан эса бюджет ташкилотлари ходимларининг маоши 10 фоизга, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларининг маоши эса 15 фоизга кўтарилади.

2024 йил 12 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони имзолади.

Мазкур ҳужжат аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, педагог ва тиббиёт ходимлари меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга қаратилган.

- Фармон билан 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб,
 - пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 428 000 сўм;
 - ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 834 000 сўм;
 - ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – ойига 920 000 сўм этиб;
 - фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгиланади.

2024 йил 1 октябрдан эса,

- бюджет ташкилотларида ишловчи тиббиёт ходимлари, шунингдек, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ташкилотлари, «Мурувват» интернат уйлари, болалар ва меҳрибонлик уйлари, болалар санаторияларида ишловчи педагог ходимларининг иш ҳақи миқдори – 15 фоизга оширилади;

- бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори – 10 фоизга оширилади, мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ходимлар бундан мустасно;
 - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 155 000 сўм;
 - базавий ҳисоблаш миқдори – 375 000 сўм этиб белгиланади.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Давлат Бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

ИМЗО – ИШОНЧ ДЕМАК

– 73 кун – бу юртимиз ҳаётидаги яна бир муҳим сиёсий жараён сифатида тарихга муҳрланадиган санагача қолган муддат. Яъни, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлар сайлови бўлиб ўтайдиган кун. Мазкур санага тайёгарлик бошлаб юборилгани ва Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг бошланганини эълон қилганига ҳам 20 кунга яқин вақт ўтди. Бу пайт давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси турли тадбирларни уюшқоқлик ва фаоллик билан амалга оширмоқда. Ана шулардан бири имзо тўплаш жараёнидир.

Мазкур жараён партиянинг 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларида, фуқароларнинг иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда уюшқоқлик билан ташкил этиляпти.



7 САҲИФАДА



ПЕНСИЯ ҲАМ ҲУҚУҚ, ҲАМ ИНСОНИЙЛИКДИР

Дунёда ўртача умр кўриш ёши 73,3 ёшга етди. Ўзбекистонда 2023 йилда бу кўрсаткич 74,4 ёшга ташкил этган.

Глобал миқёсда узоқ умр кўриш кўрсаткичларининг ошиб бориш тенденцияси инсон фаровонлиги йўлида Барқарор ривожланиш мақсадларининг амалий ижросидан далолат берса, бошқа томондан йил сайин сафи кенгайиб бораётган кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун давлат ресурсларига эҳтиёжни кучайтирмоқда.

Ҳар бир давлат ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, аввало, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириши, пухта, ҳалқчил стратегик дастурларни ишлаб чиқиши айти заруратга айланяпти.

5 САҲИФАДА

✓ Сиёсий пульс: муносабат

БУХОРО ЯНГИ ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ БЎЛАДИ



Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатишмоқда, шунга яраша шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳам юксалиб борапти. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак-да! Ҳаёт бор экан, янгиланишга, ривожланишга эҳтиёж сезилаверади. Фақат бу натижалар билан чегараланиб қолмасдан, доимий ўсиш, юқорига одимлаш талаб этилади.

2

SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

БУХОРО ЯНГИ ЛОЙИХА ВА ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатишда, шунга яраша шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳам юксалиб борапти. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак-да! Ҳаёт бор экан, янгиликларга, ривожланишга эҳтиёж сезилмади. Фақат бу натижалар билан чегараланиб қолмасдан, доимий ўсиш, юқорига одимлаш талаб этилади.

Шу ҳафта бошида Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам ҳудудларимизнинг иқтисодий ривожини йўлида янги ислохотлар рўёбга чиқарилишига аниқ ишора берди, десак муболаға бўлмайди.



26 ТА ТУМАНДА ИШЛАР СУСТ КЕТМОҚДА

12 август куни ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида туманларни иқтисодий ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини жорий этиш ҳамда саноат корхоналари учун жозибдор шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Сайхунobod, Уйчи, Зарбдор ва Ёғдудон тажрибалари йўлга қўйилган. Йиғилиш аввалида шу борадаги ишларнинг натижадорлигига эътибор қаратилди.

Масалан, Сайхунobod тажрибаси бўйича ҳар бир маҳаллада 10 тадан микролойихани амалга ошириш вазифаси қўйилган. Бу орқали республикада жами 132 мингта микролойиха ишга туширилиб, 242 минг киши бандлиги таъминланган. Лекин 26 та тумандаги 46 та маҳаллада бу ишлар суст кетмоқда.

Уйчи тажрибаси асосида банклар миқдорлари билан ишлаб, республика бўйича 500 мингта янги иш жойи очилган. Аммо 15 та

туман ва шаҳарда қўлга киритилган натижа етарли даражада эмас.

Ёғдудон тажрибаси мингта маҳаллада кўп қаватли саноат бинолари ташкил этиш, Зарбдор тажрибаси жойларда драйвер лойиҳалар қилишга қаратилган.

Ушбу 4 та туман тажрибаси давлат сиёсати экани таъкидланиб, уларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган раҳбарларга қаттиқ чора кўрилиши айтиб ўтилди. Умуман, тажрибаларнинг ҳар бири бўйича масъулларга аниқ "KPI" белгиланиб, ижроси устидан қатъий сўров бўлиши ҳақида оголантирилди.

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА БУХОРО ВИЛОЯТИ

Йиғилиш кун тартибидеги асосий мавзу Бухоро вилояти мисолида тадбиркорларга кўпроқ шароит яратиш, ҳар бир тумани иқтисослаштириш, энергиядан оқилонга фойдаланиш хусусида бўлди. Унда Бухородаги имкониятлар бешта йўналишга бўлиб тахлил

қилинди ҳамда долзарб вазифалар белгиланди. Шулардан биринчиси – бу хизматларни ривожлантириш.

Қайд этилдики, вилоятда 584 та меҳмон уйлари, 122 та умумий овқатланиш, 18,5 мингта савдо, 30 та саломатлик ва фитнес марказлари бор. Бухоронинг таомлари машҳур, лекин ҳар минг кишига тўғри келадиган ошхона ва ресторанлар сони Самарқанддагидан 10 карра кам. 103 та лойиҳа ташкилоти, 2 минг 372 та қурилиш ташкилоти ҳам тўлиқ ишга солинмапти. Худудларнинг мастер режасини ишлаб чиқиш, савдо ва сервис шохобчаларини жойлаштириш мумкин.

Шу боис Бухородаги 62 та массив ва 54 та кўчада хизматларни ривожлантириш бўйича қарор қабул қилинди. Уларнинг бири овқатланиш, иккинчиси саломатлик, бошқалари меҳмонхона, хунармандчилик, савдо ва хизматларга ихтисослаштирилади. Жами 4 мингта тадбиркорлик ташкил қилиниб, 6 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида ер ажратишни энгиллаштириш, бунга хизмат кўрсатишни ҳам қўйиш тақлифини қўллаб-қувватлади. Бундан буён сервис жойларини сотиб олиш учун алоҳида кредит тури – "хизмат ипотекаси" йўлга қўйилиши маълум қилинди.

ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУҲИМ

Йиғилишда энергиядан оқилонга фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бухорода 900 миллион киловатт электр ва 400 миллион куб метр газни иқтисод қилиш имкони борлиги қайд этилди. Бу умумий истеъмолнинг 20 фоизига тенг. Жумладан, 42 та йирик корхонада ускуналарни янгилаб, 25 фоизгача электр ва газни иқтисод қилиш мумкин.

Насос станциялари ҳудудда 100 мегаваттлик куёш станцияси ва 100 мегаваттлик сақлаш тизими ўрнатилса, умумий тармоқдан олинмаган электр 25 фоиз камайтириш, кунлик ўртача тарифни 12,5 фоизга пасаитириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, 200 мингта кўчмас мулк биносига камида 3 киловаттлик куёш панели ўрнатиб, 600 мегаватт қувват яратиш имкони бор. Бу билан вилоят электр истеъмоли яна 20 фоиз иқтисод бўлади.

Энергетика вазирилик, вилоят ва туман мутасаддиларига йил якунигача 4 мингта иншоотда куёш панеллари ўрнатиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун уларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш аниқ зарурат ҳисобланмоқда.

ХДП ДЕПУТАТЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Шерзод РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Аввало, таъкидлашим керакки, видеоселектор йиғилишида айтилган ҳар бир фикр, берилган топшириқ ва тавсиялар замирида ҳудуд салоҳиятидан фойдаланиш, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига эришиш мақсадлари муҳимасан бўлди.

Масалан, Бухоро вилоятидаги ҳар бир туманни саноат тармоқларига ихтисослаштириш масаласи кўтарилди. Бу нимадан далолат беради? Табиийки, ишлаб чиқариш кўпайиши, борлари ўз фаолиятини кенгайтириши, минглаб иш ўринлари яратилиши учун хизмат қилади.

Йиғилишда айтилганидек, Жондор туманида уй текстили бўйича 3 мингта яқин хотин-қизларда етарли тажриба бор. Вобкент туманида войиш усулида узум, гул ва кўчат етиштириш йўлга қўйилган. Бухоро туманида 27 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга янги корхона ишга тушган.

Шу каби ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиқиб, хом ашё, инфратузилма, кадр ва бозор масалаларини қамраб олган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Демак, биз депутатлар ҳам ишлайман, иш ўрни яратаман, деган кишиларни қўллаб-қувватлаш, тармоқлардаги турли бюрократик тўсиқларни бартараф этишни назорат қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласидаги вазифалар ижросини доимий равишда ўрганиб бориш, умуман, халқ ичида бўлишимиз зарур.

Бу режа ва мақсадларнинг рўёби учун профессионал кадрлар зарур. Лекин кўп ҳолларда касбга ўқитиш меҳнат бозоридаги талаб ва ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олмасдан амалга ошириляпти. Ёшларнинг атиги 2 фоизи дуал таълим шаклида ўқитилади, вилоятдаги 30 минг корхонадан 350 таси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, холос. Оқибатда қуввати 28 минг ўқувчи бўлган коллеж ва техникумларга қабул 50 фоизга етмаётир.

Шунинг учун энди қувватидан тўлиқ фойдаланмаётган ушбу таълим муассасаларининг ўқув бинолари ва хоналари тадбиркорларга тўғридан-тўғри ижарага берилди. Тўшган маблағлар биноларни таъмирлаш ва ускуналар харид қилишга сарфланади. Ягона шарт – бу ерда ёшларни касбга ўқитиб, ишли қилиш экани таъкидланди.

Очиғи, йиғилишдан сўнг олдимишда улкан ва масъулиятли вазифалар турганини ҳис қилдик. Белгиланган ҳар бир лойиҳанинг халқимизга манфаатли бўлиб амалга ошиши учун бутун депутатлик корпуси, фаолларимиз билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз зарур.

**"Ўзбекистон овози" мухбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.**

FRAKSIYA FAOLIYATI

РЕАЛ ҲОЛАТГА ТАЯНМОҚ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 13 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қатор қонун лойиҳалари билан бир қаторда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи кўриб чиқилди.

Жумладан, "Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда омонатларни кафолатлаш тизими билан барча тижорат банклари қамраб олинмаган. Жаҳон банки экспертлари томонидан республикамиздаги банкларнинг «Омонатларни кафолатлашнинг самарали тизими асосий тамойиллари»га мувофиқлиги ўрганилганда, 16 та асосий тамойилдан 8 таси бўйича қўйилган мақсадларга эришиш мумкин эмаслиги ёки бундай мақсадларга зид қоидалар мавжудлиги аниқланган.

Қонун лойиҳасида омонатларни кафолатлаш тизimini ислох қилиш, шу жумладан, банк тизимининг узок муддатли барқарорлигини таъминлаш, уни илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳада аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун иқтисодий инқирозларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш мақсадида кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси (200 млн. сўм) белгилянди. Мазкур юқори чегарани белгилашда омонатларнинг амалдаги ҳолати тўлиқ тахлил қилинди. Хусусан, ушбу миқдор бугунги кунда мамлакатимизда 99,7 фоиз омонатчиларнинг банклардаги маблағлари тўлиқ кафолатланишини таъминлайди.

Кафолатланган омонат миқдори

чеклангани билан банклар фуқаровий жавобгарликдан озод этилмайди ва улар омонатчиларни олдида ўзининг мол-мулки билан жавобгар бўлади. Бу омонатчилар пул маблағларининг кафолатланган ҳажмдан ошган қисmini ҳам банкдан талаб қилиш ҳуқуқига эга деганидир.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши банк тизими барқарорлигини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг маблағлари кафолатли сақланишига, жамоатчиликнинг ушбу молия институтига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси эса иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Лойиҳага кўра, жиноят-процессуал қонунчилигида халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ қатор янги тартиблар назарда тутилмоқда. Хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақида Бош прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан Олий судга илтимоснома киритилиши бунга мисолдир.

Шу билан бирга хорижий давлатларда жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этиш жазосига тортилган ва жазони ўтаётган фуқароларимиз қолган жазо муддатини Ўзбекистонда давом эттириши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Маълумки, темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга

солишга қаратилган амалдаги қонунчиликда ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилмаган. Қуйи палата мажлисида кўриб чиқилган «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳасида соҳадаги бундай бўйлиқларни бартараф этиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, монополияга барҳам бериш, темир йўл хизматида хусусий секторни кенг жалб қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсад қилинган.

Қонун лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида темир йўл транспортида йўловчиларнинг имтиёзли юриши масаласи ўрин олган. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар чипталарни имтиёз билан онлайн харид қилишлари мумкин бўлади. Амалда эса имтиёзли чипталарни сотиб олиш учун фуқаролар кассага боришлари зарур эди. Бу фуқароларга янада қулайлик яратади.

Депутатлар темир йўл транспортидаги айрим камчилик ва муаммоларни ўртага ташлаб, қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича ўз тақлифларни бердилар.

"Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунга қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам мажлис иштирокчиларининг муҳокама марказида бўлди.

Айтиб ўтилганидек, амалдаги қонунда кичик саноат зоналари иштирокчилари томонидан инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилганда, кўчмас мулк объектларини, шу жумладан, бино ва иншоотларни тўғридан-тўғри бозор қийматида хусусийлаштириб олиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Худди шундай ҳолат ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятида ҳам кузатишмоқда. Бинобарин, бугунги кунда республикамизда КСЗ ҳамда ёшлар ва тадбиркорлик саноат зоналари 730 тадан ошган ва бу кичкина кўрсаткич эмас.

Қонун лойиҳаси билан КСЗ ва ёшлар саноат ҳамда тадбиркорлик

зоналарида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланмоқда. Депутатларнинг фикрича, бу ўз навбатида тадбиркорлик ривожини ва мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар киритилишини жадаллаштиришга, янги иш ўринларини очиб ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга замин яратади.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

"Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботида келтирилишича, ўтган даврда "Ёшлар дафтари"га жами 133 минг 718 нафар йигит-қизлар киритилган бўлиб, 75 599 нафар ёшларнинг таълим, касб-хунар ва ижтимоий ёрдам кўринишидаги бошқа харажатлари учун 146,3 млрд сўм қўллаб берилган.

"Аёллар дафтари"даги хотин-қизларнинг 415 минг 721 нафари эса доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилган. 200 минг 597 нафар боқувчиси бўлмаган, ўзининг ёки фарзандининг ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилган.

Депутатлар мана шундай салмоқли рақам ва далилларни қамраб олган ҳисобот билан танишиб чиқиш асосида ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилди.

Хусусан, ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Инояттов Давлат дастуридаги баъзи вазифалар ижроси ўз вақтида таъминланмаётгани, бу йил якунидаги умумий натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтиб ўтди. Мамлакатимиз аҳолиси, партия электорати манфаатлари-

дан келиб чиқиб, айрим йўналишларда ҳуқуқатга жўяли тақлифлар берди.

- Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш, давлат ва жамият аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқишда реал ҳолатга таянган ҳолда нархларни белгилашни ҳаёт тақозо этмоқда, деди У. Инояттов. -Биз бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш бўйича субсидиялар миқдорини реал бозор нархидан келиб чиқиб белгилашни сўраймиз. Бу масала мутасадди вазириликлар ва ҳуқуқат даражасида қайта кўриб чиқишли лозим, деб ҳисоблаймиз.

Давлат дастурида белгиланган, аммо маълум бир савабларга кўра, ижроси таъминланмаган вазифалар бўйича депутатлик ва парламент назоратини кучайтириш, давлат ҳамда жамият аҳамиятига молик лойиҳалар ҳақида ҳудудларда аҳолига доимий ахборот бериш бориш зарурлиги қайд этилди.

Қонунчилик палатасининг шу йил 2 июль куни бўлиб ўтган мажлисида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Ш. Хидоятова "Қурилиш соҳасининг шаффоқлигини таъминлаш ва қурилиш ишларини кузатиб бориш учун жамоатчиликка имконият яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўрови юборилган эди.

Навбатдаги мажлисда мазкур парламент сўровига юборилган жавоб кўриб чиқилди ва маълумот учун қабул қилинди.

Ф. МАҲКАМОВА тайёрлади.

ЯҚДИЛ МАРКАЗИЙ ОСИЁ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ 7-9 АВГУСТ
КУНЛАРИ ОСТАНА ШАҲРИДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ
РАҲБАРЛАРИНИНГ ОЛТИНЧИ
МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА
ИШТИРОК ЭТДИ.
УЧРАШУВДА МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИДАН
ТАШҚАРИ ФАХРИЙ МЕҲМОНЛАР
СИФАТИДА ОЗАРБАЙЖОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИЛҲОМ АЛИЕВ ВА БМТНИНГ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН
ПРЕВЕНТИВ ДИПЛОМАТИЯ
БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ
МАРКАЗИ РАҲБАРИ КАХА
ИМНАДЗЕ ҲАМ ҚАТНАШДИ.**



Этиборли жиҳати, бундан олти йил олдин айнан Остонада биринчи Маслаҳат учрашуви ўтказилган эди.

Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган, очик ва самарали мулоқотлари натижаси ўлароқ том маънода бугунги кунда бирдамлик ҳукмирон. Бежизга кейинги йилларда "Марказий Осиё плюс" форматидаги учрашувлар сони ҳам, унга қизиқувчилар ҳам ортиб бораётгани йўқ.

Президентимиз ушбу йиғилишда "Марказий Осиёнинг бугуни ва келажги, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий саъй-ҳаракатларимизга, яқиндан ҳамкорлик қилиш, қатъий чоралар кўриш ва минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрлигимизга боғлиқ", дея муҳим стратегик ҳужжат – Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида амалий минтақавий ҳамкорликнинг устувор ҳисобланган йўналишларига тўхталиб ўтди.

Биринчи. Янги драйверлар, узоқ мuddатли истикболда иқтисодий шерикликни ривожлантиришнинг янги модели керак.

Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш йўлида ҳамон тўсиқлар сақланиб қолинаётгани бор гап. Шу маънода, аввало, тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш ва регламентларни унификация қилиш, божхона операциялари ва фитосанитария тартиб-таомилларини рақамлаштириш, давлат харидлари жараёнида ўзаро иштирок этиш имкониятларини кўриб чиқиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Ягона минтақавий базорни шакллантириш узоқ мuddатли истикболга мўлжалланган стратегик мақсадга айланмоғи керак.

Иккинчи. Саноат кооперациясини ўзаро қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон минтақадаги ҳар бир мамлакат билан аллақачон бундай ҳамкорлик бўйича муваффақиятли намуналарга эга. Чегараолди ҳамкорликка доир махсус ҳудудлар, замонавий автомобиллар, маший электроника, фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик кластерлари, логистика марказлари ва инфратузилма лойиҳалари бунга мисолдир.

"Биз кучларимизни бирлаштириб, қисқа қўшилган қиймат занжирларини яратиш, етакчи халқаро компаниялардан инвестиция ва технологияларни жалб қилиш, кооперациянинг янги шакллари жорий этиш орқали минтақани саноатлаштиришнинг ягона харитасини шакллантиришга эриша оламиз, деб ҳисоблайман", - деди Президентимиз. Зотан, минтақанинг инвестициявий жозибadorлиги ушбу йўналишдаги ишларнинг мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилишига бевосита боғлиқ.

Учинчи. Ички минтақавий транспорт-коммуникация тармоғини ривожлантириш.

Мазкур йўналишда келишилган тариф сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, миллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ва преференцияларни қўллаш, транспорт тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш, чегара пунктларининг ўтказиш қобилиятини ошириш, транспорт секторини рақамлаштириш масалалари тизимли ёндашуви талаб қилиши айтиб ўтилди. Чунки, Жаҳон банки хулосасига кўра, Марказий Осиё давлатлари ҳали ҳам дунёдаги иқтисодиёти энг кам "бирлашган" мамлакатлар қаторида қолмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда самарали транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, Европа Иттифоқи, Хитой, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё

ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишни таъминловчи лойиҳаларни амалга ошириш ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Тўртинчи. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ишларни мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириш.

Бунда аграр ишлаб чиқаришнинг инновацион усуллари, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш, чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, селекция соҳасида илмий ишларни кучайтириш, кластерлар ва "ақлли фермалар"ни яратиш муҳимлиги келтириб ўтилди. Сентябрь ойида пойтахтимизда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро форум ташкил этиш кўзда тутилаётгани маълум қилинди.

Бешинчи. Глобал иқлим ўзгариши оқибатларига қарши биргаликда курашиш.

Яъни, жорий йилнинг ноябрь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтадиган Иқлим саммити давомида мамлакатларимиз ягона позиция билан чиқиши, халқаро жамоатчилик, фондлар ва донорлик ташкилотлари этиборини ушбу ўткир муаммолар, жумладан, Орол фожиясига ечим топишга қаратиш мақсадида минтақадаги экологик вазият ҳақида қўшма тақдирот ўтказиш фикри илгари сурилди.

Бу йўналишда, шунингдек, Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш комплекс дастури, Трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифлари ҳам ўрин олди.

Олтинчи. Энергетика секторидаги ҳамкорликнинг долзарблиги.

Бугунги кунда минтақавий қўламада электр энергияси генерациясини ошириш ва уни учинчи мамлакатларга экспорт қилиш бўйича қатор стратегик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, атом энергетикасини ривожлантириш, углеводородларни етказишни ошириш бўйича режалар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, халқларимизнинг минтақа келажги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашини кучайтиришга катта этибор бериш лозимлигини таъкидлади.

"Ўйлайманки, "Марказий Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак" халқаро медиа платформасининг тезроқ ишга туширилиши ушбу йўналишда муҳим амалий қадам бўлади", - деди Президентимиз.

Бундан ташқари, "Марказий Осиё ёшлар кун тартиби – 2030"ни илгари суриш ва ёш авлодни ҳамкорлик дастурларига жалб қилиш учун доимий равишда Инновацион гоғлар ва лойиҳалар минтақавий ёшлар танловини ўтказиш, "Битта тур – бутун минтақа" тамойили бўйича миллий ID-карталарни ўзаро тан олиш ва оммавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш масалаларини ўрганиб чиқиш заруратига этибор қаратилди.

Нутқи давомида Президентимиз Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилгача мўлжалланган концепцияси қабул қилиниши қўллаб-қувватлади. Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўп томонлама битимни тайёрлаш таклифини билдирди.

Ташриф давомида Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ўз мамлакатининг олий давлат мукофоти – "Олтин Қирон" орденини топширди.

Сўзининг якунида учрашув иштирокчиларини келгуси йил август ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун Ўзбекистонга таклиф қилди.



Ўзбекистон ва Туркменистондаги газ лойиҳалари, янги транспорт йўлақларини қуриш ва бошқа қатор муҳим лойиҳалар ҳақида бормоқда. Чегара ҳудудларида савдо, логистика ва саноат марказлари тармоғини ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик ва кимё саноати, қурилиш каби истиқболли тармоқларда янги келишувлар билан кенг қамровли шериклигимизни мустаҳкамлаш зарур, — деган Тоқаев.

Шунингдек, Қозоғистон Президенти Марказий Осиё ишбилармонлар кенгагини тузиш таклифини қўллаб-қувватлашни билдириб, минтақанинг транзит-транспорт салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё транспорт тизимини ривожлантириш бўйича комплекс стратегияни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган.

Қозоғистон Республикаси Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаев таъкидлашича, ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий асосларини шакллантириш муҳим вазифа. Бугунги кунда товар айирбошлаш ҳажми 11 млрд долларга етган, яқин келажакда уни 15 млрд долларга ошириш имконияти мавжуд.

– Қўшма йирик инфратузилма ва транспорт лойиҳалари мамлакатларимиз иқтисодиёти учун янги ўсиш нуқталарига айланиши мумкин. Минтақада бундай ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яхши намуналари аллақачон мавжуд. Гап Қирғизистондаги Қамбарота ГЭС-1, Тожикистондаги Роғун ГЭС, Қозоғистон,



Ўзбекистон Президенти, шунингдек, мамлакатда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлиги ва энергия тежашни ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон энергетика вазирликлари ўртасида Қамбарота ГЭС-1 қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битим имзоланганини келтириб ўтган.

– Томонлар ҳукуматлараро битим лойиҳасини келишиш устида ишламоқда. Биз кичик дарёлар салоҳиятини ўзлаштиришни фаол бошладик, республика бўйлаб кичик ва ўртача ГЭСлар қурилиши давом этмоқда. Сизларни бу борада ҳамкорликка таклиф қиламиз ва ҳар қандай сармоёвий таклифларга очиқмиз, — деган Садир Жапаров.

Қирғиз Республикаси Президенти

Садир Жапаров ўз нутқида МО давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари формати талаб даражасида эканлиги ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга туртки беришини таъкидлаган.

– Ўтган бешта учрашув минтақа давлатлари раҳбарларининг савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, логистика, минтақавий хавфсизлик, экология, иқлим ўзгаришига қарши кураш, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалар каби кенг қўламли соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини кўрсатди, — деган Жапаров.

Қирғизистон Президенти, шунингдек, мамлакатда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлиги ва энергия тежашни ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон энергетика вазирликлари ўртасида Қамбарота ГЭС-1 қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битим имзоланганини келтириб ўтган.

– Томонлар ҳукуматлараро битим лойиҳасини келишиш устида ишламоқда. Биз кичик дарёлар салоҳиятини ўзлаштиришни фаол бошладик, республика бўйлаб кичик ва ўртача ГЭСлар қурилиши давом этмоқда. Сизларни бу борада ҳамкорликка таклиф қиламиз ва ҳар қандай сармоёвий таклифларга очиқмиз, — деган Садир Жапаров.

Тожикистон Республикаси Президенти

Эмомали Раҳмон ўз нутқида ҳамкасбларининг этиборини савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида дастурлар ишлаб чиқиш, йирик транспорт, инфратузилма ва логистика лойиҳаларини амалга ошириш, гидроэнергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга, шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига қаратган.

Унинг таъкидлашича, беш йил давомида минтақада товар айирбошлаш ҳажми 80 фоиздан ошган, агар салоҳиятдан фойдаланилса, яқин келажакда 20 миллиард долларга

етиши мумкин.

Тожикистон раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари саноат вазирларининг биринчи йиғилишини келаси йили Душанбеда ўтказиш таклифини илгари сурган.



Туркменистон Президенти

Сердар Бердимухамедов ўз сўзида транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида этибор қаратган.

Яъни, у Евросиёда янги транспорт ва транзит йўлақларини яратиш бўйича фаол иш олиб борилаётганини қайд этиб, географик, логистик ва бошқа афзалликлардан фойдаланган ҳолда минтақамизни ушбу жараёнларга ўз вақтида ва самарали интеграция қилиш Марказий Осиё давлатларининг жуда яқин келажакдаги умумий вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлаган.

Сердар Бердимухамедов энергетика соҳасини ҳам беш томонлама ҳамкорликнинг устувор асоси қилишга алоҳида аҳамият берди. — янги саноат ва қишлоқ хўжалиги қувватлари мавжудлиги ва келажакда пайдо бўлишини, шунингдек, инфратузилма объектлари ва қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини йўлга қўйишни ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё давлатларининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат эканига ургу берган.

DASTUR VA IJRO

БАНДЛИК:

МУҲИМ ТАКЛИФЛАР
САРҲИСОБИ

БУ ЙИЛГИ САЙЛОВЛАР КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН МУТЛАҚО ЯНГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУҲИТДА ЎТКАЗИЛАДИ. Яъни, ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ САЙЛОВЛАРИ АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ, Яъни, МАЖОРИТАР-ПРОПОРЦИОНАЛ ТИЗИМ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ. БУНДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ 75 НАФАРИ БЕВОСИТА МАЖОРИТАР ТИЗИМ АСОСИДА, Яъни, САЙЛОВЧИЛАР АНИҚ ШАХСЛАРГА ОВОЗ БЕРИШИ ЙЎЛИ БИЛАН, ҚОЛГАН 75 НАФАРИ ЭСА ПРОПОРЦИОНАЛ ТИЗИМ БЎЙИЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛГАН ОВОЗЛАР АСОСИДА САЙЛАНИШАДИ. ДЕМАК, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ЯНАДА КУЧАЯДИ. УШБУ ИНСТИТУТЛАР ФАОЛИЯТИГА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗИ ҲАҚИҚИЙ ВА ХОЛИС БАҲОСИНИ БЕРАДИ.

ШУНДАЙ МУҲИМ ПАЛЛАДА ҲАР БИР СИЁСИЙ КУЧ ҚАРИЙБ 5 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛИШИ БОР ГАП. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАМ ДАСТУРИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БОРМОҚДА.

АЛБАТТА, 2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВЛАРДАН СЎНГ ХДП ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН МАҚСАДЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ ОСОНЛИК БИЛАН РЎЕБГА ЧИҚАЁТГАН ИҲҚ. БАЪЗИ НАРСАЛАР ЎЗГАРИШИ УЧУН БУТУН ТИЗИМ ЎЗГАРИШИ ЛОЗИМ. МУҲИМИ, МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ЭРИШИШ, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА АЛЛАҚАЧОН МАНЗАРАНИ ЎЗГАРТИРИШГА ДОИР АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР БОШЛАНГАН.

ХАБАРИНГИЗ БОР, БИЗ ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ПАРТИЯМИЗ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ АЙРИМ БАНДЛАРИ ИЖРОСИГА ТЎХТАЛИБ ЎТДИК. БУТУН БИР ДАСТУР ИЖРОСИ БЎЙИЧА АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМИЗ, БЕРАДИГАН АХБОРОТЛАРИМИЗ, СИЗГА ЕТКАЗМОҚЧИ БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАРИМИЗ КЎПЛИГИ УЧУН ҲАМ БУ МАВЗУГА ЯНА МУРОЖААТ ҚИЛДИК.



ХАЛҚИМИЗ ЭҲТИЁЖИ

Маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг энг асосий шартларидан биридир.

Келинг, изоҳлаймиз. Ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади. Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин ривожланган давлатлар тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни, ижтимоий ҳимоя манзилли, мақсадли бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди.

Масалан, инсон ишлаши ва ўз юртига фойда келтириши учун иш ўринлари яратиш зарур. Ногиронларга шароит яратиб берсангиз, улар жамиятга мослашиб, унда ўз ўрнини топа оладилар ҳамда мамлакат ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш ҳаракатида бўладилар.

Бандлик ҳақида сўз борар экан, бунда ёшларни касб-хунарли, муқим ишли қилиш умумдават аҳамиятига эга масала эканини унутмаслик зарур. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси олдинги сайловлардаги дастурида аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларнинг камбағалликдан чиқишига интилишини кучайтириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратган эди.

Ҳўш, натижа қандай бўлди?

ПАРЛАМЕНТ ВА
ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ
АСОСИДА

Партиямиз Сайловолди дастурида таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назорати орқали аҳолининг, жумладан, ёшлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг муносиби иш билан таъминланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга амалий кўмаклашиш устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Бу бўйича тегишли вазирликлар ва мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмасини бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш кўзда тутилган.

Ўтган даврда партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан биргаликда мунтазам равишда назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

Айтилик, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон

Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан 2020-2024 йилларда жами 31 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар орасида "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам бор.

Шунингдек, ХДП фракцияси томонидан 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М. Мухитдиновнинг "Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг бажарилиши борасидаги ишлар тўғрисида"ги ахбороти "Ҳукумат соатида" эшитилди.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари жойларда бандлик дастурлари ижросини ўрганиб, парламентда ташкил этиладиган "Ҳукумат соат"лари ва вазирлик-идоралар ахборотини эшитиш бўйича масалалар тайёрлади, натижада фракция ташаббуси билан жойлардаги аниқ муаммоли ҳолатлар муҳокамаси ташкил этилди.

Партия фракциясининг фаол иштироки билан 2020 йил 13 августда Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий бандлик агентликларини тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди ҳамда 2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари ушбу соҳани тартибга солиш бўйича зарур меъёрлар ва процессуал механизмларини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, партия фракцияси 2020 йил 13 августда Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий бандлик агентликларини тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ишларида ҳамда 2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинишида ҳам фаол қатнашди.

БОҚИМАНДАЛИКНИ
ЙЎҚОТИШ — ФАОЛЛИКНИ
ОШИРИШ

ХДП тизимида аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Депутат маҳаллада», «Маҳаллада ижтимоий хизмат», «Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш», «Тўсиқсиз ҳаёт», «Тенг ҳуқуқ, тенг имкониятлар!», «Депутат ва ёшлар» каби қатор лойиҳа-

лар амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари ҳудудларга боришди, 5 000 нафардан зиёд сайловчи, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди, мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Масалан, "Депутат – маҳаллада" манзилли лойиҳаси орқали 1 минг 554 нафар депутат ҳамда 300 нафар партия ходимлари маҳаллаларда ташкил қилинган кичик ишчи гуруҳлар билан биргаликда уйма-уй юриш орқали 5 400 та маҳаллада 317 621 та хонадонга кириб борилди.

Лойиҳа давомида 144 та туманда ташкил этилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларида 418 минг 700 нафар фуқаро ишга жойлаштирилишига ёрдам берилди. Шунингдек, 124 минг 356 нафар хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлик ва касб-хунар марказларига жалб қилиниб, хунармандчиликка, касаначиликка йўналтирилиши юзасидан меҳнат органларига тавсиялар берилди. 248 минг 680 нафар аёллар ва ёшлар устоз-шогирд тизимида шогирдликка бириктирилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Жаҳонгир ОЛИМОВ,
ЎЗХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

Жамиятда бандлик масаласи ҳамон долзарблигига қолаётгани партиямиз эътиборида. Бу соҳада ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз позициясига эга. Партиямиз аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмасини бажариш устидан мунтазам равишда парламент ва депутатлик назоратини олиб борди.

Ўрганишлар давомида депутатлар давлат ва маҳаллий инвестиция дастурлари бўйича яратилган иш ўринлари, ажратилган субсидия, грантлар, нафақалар, ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан таъминланиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Маълум бўлишича, яратилаётган имкониятларга қарамай, айрим ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари яхши эмас. Ўзбекистонда ҳар йили 600 мингдан ортиқ ишчи кучи меҳнат бозорига келиб қўшилмоқда. Уларни иш билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган муҳим масала, албатта.

Биз вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатларимиз билан

янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларини тизимли равишда ҳар ой натижалари бўйича муҳокама этиш амалиётини йўлга қўйдик.

Яқинда ҳам ҳудудларда ижтимоий дафтарларга киритилган аҳоли муаммолари ўрганилди. Ўрганишлар бандлик масаласида жойларда муайян амалий ишлар қилинаётганини кўрсатди. Масалан, одамларга ер, тикув машинаси берилмапти. Бу яхши, албатта. Лекин кейин-чи? Бу ёрдам билан ҳам ўзини ўнглаб кетолмаётган одамлар бор. Шундайлар борки, касб-хунарни ўрганиш, ишга келганда турли баҳоналар қилади, даромад камлигини рўқча қилишади. Касб-хунарни пухта ўзлаштирса, ишда муаммо бўлмайди-ку.

Сайловчилар билан суҳбатлашганимизда бунга кўп гувоҳ бўламиз. Томорқасидаги ердан оқилона фойдаланмай келаётганлар ҳам кўп. Шунинг учун тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор беряپмиз.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз бу масалада назорат-таҳлил ишларини жадаллаштириб, айнан камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш йўналишларини керак бўлса, ҳар чоракда сессияда кўриб чиқмоқда.

Энг муҳими, бу ишлар орқали боқимандалик кайфиятидаги инсонларни фаол ҳаётга олиб кириш, бандлик даражасини ошириш йўлида салмоқли қадамлар қўйилади. Бу жараёнда ЎЗХДП таклифлари инobatга олиниб, ташаббуслари амалга ошаётгани эътиборли. Демак, гоъларимиз ҳаётини, ҳаракатларимиз бесамар кетмаёпти.

МИНГЛАБ ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИГулшан АСАТОВА,
ЎЗХДП Марказий Кенгаши
масъул ходими:

Партиямиз фаолиятида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи алоҳида усутворликка эга. Жойларда ўтказилаётган учрашувларда, лойиҳаларда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, оила даромадини ошириш, "Темир дафтар"да қайд этилганлар сонини қисқартириш эвазига камбағалликни йўқотиш, опа-сингилларимизни касб-хунарга ўргатиш масалаларига кенг урғу берилмоқда.

Айниқса, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар билан алоҳида ишлаш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг муаммоларига депутатлар билан биргаликда ечим изланмоқда.

Мулоқотларда хотин-қизларга тадбиркорлик марказлари, «Ишга марҳамат» мономарказларида ташкил қилинаётган тўловсиз, қисқа муддатли ўқув курслари ҳақида маълумотлар бериб ўтиляпти. Мазкур марказлар томонидан ташкил қилинаётган миллий хунармандчилик, тикувчилик, гўзаллик саломи, компьютер саводхонлиги, миллий пишириқлар тайёрлаш бўйича ўқув курсларига хунар ўрганиш истагидаги хотин-қизлар жалб қилинмоқда ва уларнинг бандлиги таъминланишига эришилмоқда.

Масалан, партиямиз Сайловолди дастури ижроси асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида «Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари», «Аёллар бандлиги – оила фаровонлиги гарови» каби лойиҳалар доирасида 5993 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

"Аёллар дафтари" да рўйхатда турган 21840 нафар хотин-қизларнинг касб-хунар ўрганишларига, 1644 нафарига оилавий тадбиркорлигини бошлашга кўмак берилди. Шунингдек, 252 минг 808 нафар хотин-қизлар ва ёшлар устоз-шогирд тизимида шогирдликка бириктирилди.

Ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларнинг аниқ манзилли рўйхати шакллантирилди.

Умуман олганда, лойиҳаларимиз доирасида ишсиз аёллар билан яқка тартибда ишлаяпмиз. Уларнинг кизиқиш ва истеъодларига қараб касб-хунарга ўқитиш, имтиёزلардан фойдаланиш бўйича маслаҳат-ахборот бериб борилмоқда. «Устоз-шогирд» тизими асосида хотин-қизларни хунармандчиликка жалб этиш, касаначилик асосида ишга жойлаштиришда партиямиз томонидан қўллаб амалий ташаббуслар олиб борилди.

Хонадонма-хонадон юриш жараёнида кўряпмиз, ишсиз хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар билан реал ҳаётда тафовут катта. Биз бу бўйича муаммоларни, уларни бар-тараф этишга қаратилган таклифларимизни бир неча мартаба депутатлик гуруҳларимиз орқали доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқдик. Кредит олишда қийинчиликларга дуч келаётган, иш бошлаш учун бинога эҳтиёжи бор қўллаб аёлларга яқиндан ёрдам берилди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

TAKLIF

ДУНЁДА ЎРТАЧА УМР КЎРИШ ЁШИ 73,3 ЁШГА ЕТДИ. ЎЗБЕКИСТОНДА 2023 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 74,4 ЁШНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

ГЛОБАЛ МИКЁСДА УЗОҚ УМР КЎРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ОШИБ БОРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИДАН ДАЛОЛАТ БЕРСА, БОШҚА ТОМОНДАН ЙИЛ САЙИН САФИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАН КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИ ИЖТИМОЙ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ДАВЛАТ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖНИ КУЧАЙТИРМОҚДА.

ҲАР БИР ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА, АВВАЛО, ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИ, ПУХТА, ҲАЛҚЧИЛ СТРАТЕГИК ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШИ АЙНИ ЗАРУРАТГА АЙЛАНЯПТИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ЖУМЛАДАН, ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ ШАРТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ҚАМРОВИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ АНЧАЙИН ДОЛЗАРБЛАШМОҚДА.

» **Муҳими, ҳозирда амалда бўлган пенсия ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, шунга қараб янгиликлар йўлидан бориш, бизнингча, ҳар тарафлама мақбул ечимдир.**

ПЕНСИЯ ҲАМ ҲУҚУҚ, ҲАМ ИНСОНИЙЛИКДИР



ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚИ

Ўтган йили янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 46-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани қатъий белгилаб қўйилди.

Ўтган йилларда эркин бозор иқтисодиёти шароитида кучли ижтимоий сиёсатга устувор эътибор қаратилиши жамиятдаги барқарорликнинг муҳим омил бўлиб келмоқда. Буни пенсия ва нафақа олувчиларнинг ижтимоий таъминоти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумот учун. Мамлакатимизда шу йилнинг 1 июнь ҳолатига Пенсия жамғармасидан нафақа олувчилар сони 4 миллион 8 минг 597 нафарга етган. Жумладан, январь-май ойларида янги нафақа тайинланган фуқаролар 124 минг 184 нафарни ташкил этди. Уларнинг 102 минг 610 нафари ёшга доир, 14 минг 388 нафари ногиронлик ва 7 минг 186 оила боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчилар ҳисобланади.

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КЕРАК

Жамиятда ижтимоий адолат ва тенглик тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига кўра, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигининг асосидир. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари негизда айнан шу тамойил мужассам.

Хусусан, ХДП фаоллари ва депутатлари барча фуқаролар учун пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга етарли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки бугунги кунда аҳоли ўртасида пенсия таъминотига доир маълум бир эътирозлар, мунозабатлар бўлаётгани сир эмас. Кучли асосга эга тақлифлар пенсия ва нафақа тизимини доимий такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Мақсад шуки, пенсионерларнинг ҳаёт даражаси янада яхшилансин ва уларнинг ижтимоий фаоллиги ошсин, ҳеч бир инсон минимал шароит учун чорасиз қолмасин.

Зокиржон ЗОХИДОВ, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

– Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янги амалий ва самарали шакллари кўллашни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида пенсионерлар, ногиронлиги бор фуқаролар, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни изчил ривожлантириш назарда тутилган.



Бугунги кунда давлат томонидан қафолатланган пенсия таъминоти муайян бўшлиқлардан ҳам холи эмас. Ўзбекистон Allianz Pension Ranking 2023 пенсия рейтингда 75 мамлакат ичида 71-ўринни эгаллагани бунинг исботи бўлиб турибди.

Шунга кўра, яқинда Президент ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги мамлакатнинг пенсия таъминоти тизимини яхшилашга нималар тўсқинлик қилаётганини ўрганиб чиқди.

Келтирилишича, **Ўзбекистонда пенсия таъминоти қамрови юқори норасмий бандлик туфайли атиги 38 фоизни ташкил этади.** Бошқа давлатларга нисбатан пенсия бадаллари юқори даражада – 12-25 фоиз. Бирок тўловларнинг ялпи коэффициенти ўртача – 55 фоиз. Ушбу кўрсаткич ишчининг ўртача иш ҳақига нисбатан олинган ўртача пенсияни кўрсатади. Бу номувофиқлик фуқаро пенсия бадалларидан кўп маблағ олмаётгани ва пенсиялар нисбатан паст эканини англатади.

Мамлакатимизда пенсия тизими мажбурий бадаллар бўйича белгиланган тўлов тизимидан иборат ва у борган сари давлат бюджетидан кўпроқ молиялаштирилмоқда. **Сўнгги ўн йилда Пенсия жамғармаси даромадлари 3,4 бараварга ошган бўлса, харажатлари 5 бараварга ортган.** 2020 йилдан пенсия тўловларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан доимий равишда трансферт ажратилляпти.

Ўзбекистонда касбий пенсия режалари мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари учун бадал ставкаси пастлиги (ойлик иш ҳақининг 0,1 фоизи), фуқаролар ўз жамғармаларини ихтиёрий равишда бошқа молиявий инструментларга ёки банк омонатларига йўналтириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам эътибор қаратиш керак бўлган масалалардан саналади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, **Халқ демократик партияси фуқароларга шахсий**

жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, жумладан, уларни доимий равишда онлайн равишда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўпайтириб бориш имкониятини бериш тақлифни илгари сурмоқда.

Ҳозирда амалда бўлган Халқ банкидаги мажбурий пенсия жамғарма ҳисобварақлари тизимини ихтиёрий, мослашувчан ва бошқа банклар учун очиқ шаклга ўтказилиши тизимни замонавийлаштиради, бўшлиқларни бартараф этади. Фуқароларнинг устувор иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари ҳимояси кучайишига муҳим асос яратаяди.



Бахтиёр ТОШЕВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

– Бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар пенсия тизими олдида бир асосий муаммо турибди. Бу пенсионерлар улушининг тобора ортиб бораётганидир. Бундай шароитда баъзи давлатлар пенсия фондларини хусусийлаштириш, баъзилари эса пенсия ёшини оширишга жиддий киришган.

Юртимизда аҳолининг демографик хусусиятларини ҳисобга олиб, қолаверса, инсонпарварлик, миллий кадриятларимизга уйғун бўлган ижтимоий адолат тамойиллари асосида пенсия таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини қайд этиб ўтиш керак.

Биз пенсия таъминотини такомиллаштириш учун халқчил ғояларни тақлиф қиламиз. Инчунун, узоқ йиллар олдин собиқ жаммо хўжалиги ва ширкат хўжалигида меҳнат фаолиятини юритган фуқароларнинг меҳнат фаолияти даврларини **тўлиқ йил сифатида инобатга олиш**, аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига болалари 3 ёшга тўлгунча уни парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш,

тўғма ногиронларни, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга **қараб келаётган кишилар учун ёшга доир пенсия таянч миқдорини олишга бўлган чекловни бекор қилиш** мақсадга мувофиқдир.

Бундай ўзгаришлар ижтимоий ҳимоялаб инсонларга жуда катта мадад бўлиб, жамиятда ижтимоий адолат ва бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқимиз кадрлайдиган турмуш анъаналари қонунларимизда ҳам акс этиши жуда тўғри бўлади.



Нуриддин ХОЛМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

– Кексалар сони бўйича дунёда етакчилик қилаётган Япония (аҳолисининг қарийб 30 фоизини пенсионерлар ташкил этади)нинг муваффақиятли пенсия сиёсати бир қанча омиларга боғлиқлигини кўрамиз.

Одатда японияликлар 65 ёшда нафақага чиқади, лекин улар хоҳласа, 60 ёшда ҳам бунга амалга оширишлари мумкин, фақат бунда пенсия тўлови миқдори 24 фоизга камайдир. Агар фуқаро 70 ёшга тўлгунча қадар нафақага чиқмай, ишлашни давом эттирсин, у оладиган пенсия, аксинча, чорак миқдорга ошадир.

Японияда пенсия тизими уч қисмдан иборат:

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва ҳодимларнинг пенсия сўғуртаси тизимида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар учун Миллий пенсия жамғармаси;
- компания ҳодимларининг меҳнат пенсия сўғуртаси тизими;
- бошқа турдаги пенсияларни ололмайдиган айрим касблар ва ишлаб чиқаришлар учун ўзаро ёрдам пенсияси.

Демокчи бўлганим, мамлакатимизда пенсия тизимини такомиллаштиришда жаҳоннинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, аниқ рақам ва хулосалар асосида пухта ёндашиш лозим.

Жойларда кўтарилаётган ташаббуслардан яна бири – эр ёки хотини вафот этганида ва вафот этган шахс кўпроқ мумкин, фақат тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартиби жорий этилишидир. Бу тартиб амалда унда-мунда ишляпти, энди унинг тартибини қонунчиликда аниқ белгилаб қўйсақ, инсонгарчиликка ҳам жуда тўғри келади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, **пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш ҳар томонлама адолатли ва тўғри бўлади.**

Муҳими, **ҳозирда амалда бўлган пенсия ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, шунга қараб янгиликлар йўлидан бориш, бизнингча, ҳар тарафлама мақбул ечимдир.**

Кексаларга меҳр-мурувватли бўлиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан саналади. Чин инсонийлик белгиси бўлган бу кадриятлар ижтимоий сиёсатда, пенсия тизимида таътирлик акс этиши жуда муҳим.

**Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” шарҳловчиси.**

НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШДА КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 октябридан эътиборан ногиронликни белгилаш туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади. Фуқароларни ТИЭК кўригига йўллаш учун лозим бўлган амалдаги даволаниш муддатлари бўйича талаб бекор қилинади ҳамда ҳар бир касалликнинг кечиши ва туридан келиб чиқиб, алоҳида белгиланади.

18 ёшдан катталарга ногиронликни белгилашда ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлигига оид маълумотлар "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимида шакллантирилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида "Ногиронликни белгилашнинг самарали механизмлари ҳамда тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимини такомиллаштириш" мавзуда ўтказилган семинарда шулар хусусида сўз борди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1 май ҳолатига 115 минг 82 нафар шахс тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида бирламчи ва қайта кўриқдан ўтказилиб, ногиронлик белгиланган бўлса, шундан 37 минг 30 нафарига биринчи мартаба ногиронлик тайинланган.

2025 йил 1 апрелдан ТИЭКнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг муддатини узайтириш ҳамда махсус жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш лаёқатини белгилашга оид функциялари давлат тиббиёт муассасаларига ўтказилади. 2025 йил 1 сентябрдан туманлараро ва туман (шаҳар) ТИЭК томонидан фақат тиббий ҳужжатларга асосан ногиронликни белгилаш тартиби бекор қилиниб, ногиронликни шахс соғлиғининг ҳолати ва функционалликни баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб электрон тарзда белгилаш тартиби йўлга қўйилади.

Яна шуни қайд этиш лозимки,

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказиш жараёнлари "Тиббий-ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизимида амалга оширилиши таъминланмоқда ҳамда ТИЭК фаолияти рақамлаштирилмоқда.

Янги тизим мавжуд тўсиқларни аниқлаш ва ногиронлар учун мақсадли индивидуал реабилитация дастурини шакллантириш имконини беради. Ногиронликни белгилашда шаффофликнинг таъминланиши ногиронлиги бўлган аҳоли сонини камайтиришга, бу орқали боқимандаликнинг олдини олишга ҳисса қўйиши мумкин.

Барча соҳа учун шаффофлик зарур, – дейди семинарда соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров. – Бугунга қадар ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида коррупцион ҳолатлар кузатилгани сир эмас. Бундан кейин ногиронликни белгилаш билан чекланиб қолмайми. Ногиронликка талабгор шахснинг функционаллиги ҳам баҳоланади. Аслида коррупцияга қарши курашишда масъул ташкилотлар мавжуд. Аммо соғлиқни сақлаш

вазирлиги ҳам "фильтр" вазифини ўтайди. Айнан ногиронликни белгилашда вазирилик ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамкорликда иш олиб бориши кучларнинг бирлашиши ҳисобланади. Агар тиббиётда ногиронликни белгилашда адолатсизликка йўл қўйилса, коррупцион ҳолатлар содир этилса, чора муқаррар бўлади. Бу ҳолат форс-мажор тарзда қайта кўрилади. Алоҳида таъкидлашим мумкинки, ногиронликни белгилаш фақат комиссия аъзоларининг ўзига боғлиқ бўлмайди.

–Мақсадимиз адолатли тизимни жорий этишдир, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансурбек Оллоёров. – Йил давомида 515 минг кишининг мурожаатларини манзилли ва самарали ҳал қилиши олдимишга асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Адолатли тизимни жорий этиш учун рақамлаштиришга катта аҳамият қаратамиз. Шубҳа йўқки, инсон омилиси ногиронликни белгилаш мазкур соҳани халқаро стандартлар даражасига олиб чиқади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



HAMKORIMIZ

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов "Abu Dhabi Sustainable Water Solutions" (SWS) компанияси вакиллари ва "Ўзсувтаъминот" АЖ масъуллари иштирокида Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида янги замонавий оқова сувларни тозалаш иншооти қурилиши лойиҳаси бўйича битимни имзолади.

1 миллион м³ оқова сув тозалайдиган иншоот

Лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани «Сурум» маҳалласи ҳудудида суткасига 1 миллион м³ оқова сув тозалаш қуввати (кейинчалик 1,5 млн м³) эга бўлган замонавий оқова сув тозалаш иншооти ва 42 километрли оқова сув коллекторларини қуриш ишлари кўзда тутилган.

Лойиҳа "Abu Dhabi Sustainable Water Solutions" ва унинг технологик ҳамкорлари сифатида танланган SUEZ (Франция) ва Marubeni (Япония) компаниялари консорциуми томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, оқова сувларни тозалаш билан боғлиқ жараёнларни самарали мониторинг қилиш ва бошқаришни таъминлайдиган "SCADA" ва "GIS" тизимлари жорий этилади.



Лойиҳанинг афзаллиги шундаки, замонавий технологияларни жорий қилиш натижасида 10 миллион кВтдан кўпроқ электр энергия тежаллади.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 1,5 миллионга яқин аҳолининг оқова сув хизмати яхшиланади ва 500 мингдан ортиқ аҳоли оқова сув хизмати билан таъминланади.

– Мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ҳамкорликнинг самарали ва узоқ йиллар давом этишини таъминлаш билан бирга, келгусида ҳам мамлакатимизда ичимлик ва оқова тизимини ривожлантириш бўйича икки томон учун ҳам манфаатли бўладиган лойиҳаларни амалга ошириш мақсад қилинган, – дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви раиси в.б. Ахмад Суванкулов.

Тоштемир МУРОД.



JARAYON

Ўзбекистонда 2028 йилга қадар ГЭСлар қуввати қарийб икки ярим бараварга ошади

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 июлдаги "Гидроэнергетика соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра, 2028 йил якунига қадар гидроэлектр станциялари умумий қувватини қарийб икки ярим бараварга ошириш, йиллик экологик тоза электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 15,7 миллиард кВт соатга етказиш режалаштирилган. Ушбу мақсадга қаратилган лойиҳалар учун 6,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилинади.

Шундай қилиб, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидаги ГЭСлар сони 120 тага етади. Тизимда 3 мингта иш ўрни яратилади. Эътиборли жиҳати, мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган 4,2 миллиард м³ табиий газ иқтисод қилинишига эришилади.

– 2024-2028 йилларда гидроэнергетика соҳасини янада ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастур доирасида йилма-йил қувватларни ошириб бориш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган, – дейди "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Нуруллаев. – Хусусан, 2025 йилда қиймати 430 миллион долларлик 12 та лойиҳа асосида 16 та ГЭС - шундан жами қуввати 197,9 МВт 10 та йирик ҳамда қуввати 5,1 МВт бўлган 6 та микроГЭС ишга туширилади. Натижада қўшимча 900 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вужудга келиб, 375 минг хонадон электр энергияси билан тўлиқ таъминланади.

Дунё гидроэнергетика соҳасининг ривожланишига назар соладиган бўлсак, бир йилда ишга туширилаётган ва қурилиши амалга оширилаётган ГЭСлар сони бўйича республикамиз пешқадамлик қилмоқда. Шу ўринда яна бир маълумотни келтириб ўтмоқчи эдим. Юқорида белгирилган дастурга мувофиқ 2025 йилда умумий қуввати 2 204 МВт бўлган 17 та ГЭС лойиҳаси фаол босқичга ўтказилади. Жорий йил якунига қадар 9 та лойиҳа доирасида давлат кафолати остида хорижий кредитларни жалб қилиш бўйича молия ташкилотлари билан келишувлар имзоланади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилда умумий қуввати 1 600 МВт, электр энергия ишлаб чиқариши 2,8 миллиард кВт соатга тенг турта йирик ГЭС (Гидротўплаш электр станциялари) лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳалаштириш ишлари Россия ва Хитой компаниялари томонидан олиб борилмоқда. Мазкур ГЭСлар электр энергиясига талаб юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қурилади.

Гидротўплаш электр станциялари – бу электр



энергияга талаб юқори бўлган вақтда, яъни, эрта-лаб ва кечки пайтлари катта ҳажмдаги электр энергиясини ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиш ва тунги вақтда электр энергия ишлаб чиқариш учун сарфланган сувни насос агрегатлари ёрдамида юқори сув ҳавзасига кўтариб беради.

– ГЭС қурилиши учун зарур асбоб-ускуналар асосан импорт қилинади, – дея давом этади Ф. Нуруллаев. –2025 йилда минтақамизда ягона бўлган гидроагрегатлар ишлаб чиқариш заводи қурилиб, ишга туширилиши эса бу йўналишда импорт ҳажмини қисқартириб, сезиларли даражада валюта тежаш имконини беради.

Соҳада халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш гидроэнергетикани янада ривожлантиришнинг асосий омиллардан бири. Бу борада юқори тажрибага эга бўлган Хитойдан элликка яқин юқори малакали конструкторлар, муҳандис ва технологлар жалб қилинади ва маҳаллий мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида малакаси оширилади. Биринчи босқичда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ходимлари Хитой давлатида ўқиб, тажриба орттириб келади.

Мана шундай истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши юртимизда юз минглаб хонадонларни нурафшон этади, кенг аҳоли қатламларининг маиший эҳтиёжларини қондиради, кўплаб бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг раванқ топишига хизмат қилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



JINOYAT VA JAZO

Секундантлик "баҳоси" 2000 АҚШ доллар

Умр оқар дарё, дейишади. Вақт кутиб турмайди. Йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверади. Ҳаш-паш дегунча одам боласи улғаяди. Бир касбни тутиб, ҳаёт кечиради. Аммо Матназар.Х. ҳеч жойда ишлаган. У муқаддам фирибгарлик ва бошқа жиноятни содир этганлиги учун уч марта судланган. Яқинда у яна "эски касби" ортидан тўртинчи марта қонуний жазога тортилди.

–Тошкент Молия институти талабасиман, – деди судда жабрланувчи Олим.Б.—Ўқиш билан бирга Яққасарой туманида жойлашган меҳмонхонанинг қабул бўлимида ҳам ишлардим. Ўтган йил август ойининг бошларида ёнимиздаги меҳмонхонада ишловчи танишим кўнғироқ қилиб, уларнинг меҳмонхонасига Матназар.Х. исми йигит келганлигини, у фуқароларни Америкага олиб бориши мумкинлиги ҳақида айтди. Уша вақтлари мен ҳам Америкага бориш истагида эдим. Уларнинг олдида бордим. У ерда Матназар билан кўришдим. Ўзаро гап-сўзда Матназар менга ўзи спортчи эканлигини, навбатдаги чемпионат Америка давлатида бўлишини, шу сабабли 4 нафар фуқарони ўзига ёрдамчи (секундант) қилиб олиб кетмоқчилигини айтди. Шунда мен ундан қачон кетишимизни, хизмат харажатлари қанча бўлишини сўрадим. Матназар менга виза олиб беришининг ўзи 10.000 АҚШ доллари бўлишини, қолган харажатлар эса ўзининг ёнидан бўлишини айтди.Тахминан 15-20 кундан кейин Америкага кетамиз, деди. Лекин виза қачон тайёр бўлишини билмаслигини, шу сабабли бошлангич тўлов учун 2000 АҚШ доллари беришим кераклигини айтди. Матназарнинг гапига ишониб, айтилган пулни бердим. У мени бугун-эрта, деб икки ой алдаб юрди. Кейин эса телефонимга умуман жавоб бермай қўйди. Ҳатто Матназарни топа олмай қоладим. Шундан сўнг ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилдим. Матназардан 2000 АҚШ доллар ундириб беришингизни сўрайман. Унга қандай жазо тайинлаш судга ҳавола.

Суд Матназар.Х.га узил-кесил 5 йил 8 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яққасарой туман судининг раиси.



Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати раҳбари:

— 73 кун — бу юртимиз ҳаётидаги яна бир муҳим сиёсий жараён сифатида тарихга муҳрланадиган санагача қолган муддат. Яъни, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлар сайлови бўлиб ўтадиган кун. Мазкур санага тайёгарлик бошлаб юборилгани ва Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг бошланганини эълон қилганига ҳам 20 кунга яқин вақт ўтди. Бу пайт давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси турли тадбирларни уюшқоқлик ва фаоллик билан амалга оширмоқда. Ана шулардан бири имзо тўплаш жараёнидир.

Мазкур жараён партиянинг 10 мингдан ортиқ бошлангич ташкилотларида, фуқароларнинг иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда уюшқоқлик билан ташкил этиляпти.

Олим РАВШАНОВ,

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Сайлов кодексига кўра, сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейингина сайловчиларнинг имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси партиянинг сайловдаги иштирокига рухсат берган ва имзо варақаларини топширган санадан бошлаб, имзо йиғишга киришдик. Сайловда қатнашиш учун зарур бўлган имзоларни тўплашга эса бизга 15 кун вақт берилди.

Бир нарсани айтиш керакки, бу йил анча қулай бўлди. Чунки одамлар чиндан ҳам бефарқ эмас, саволлар беришяпти. Уларнинг саволларига имкон қадар тўлиқ жавоб беришга, қизиқишларини янада оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Юртдошларимизнинг фаоллиги ошганининг муҳим сабабларидан яна бири қонунчиликдаги ўзгаришлар, деб ўйлайман. Гап шундаки, сайловчилар битта ёки бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишга ҳақли экани белгиланган. Бу эса аҳолининг турли партиялар ташаббус ва ғояларини билишига, ўзлари учун қизиқ бўлган қўллаб масалаларни ўрганишига турки бўлмоқда.



Акмал УМАРАЛИЕВ,

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Аҳолининг барча қатламлари вакиллари ўз ихтиёри билан, кўтаринки қайфиятда партияимизнинг сайловда иштирок этишига хайрихоҳлик билдирмоқда.

Партияимиз фаоллари, бошлангич партия ташкилотлари етакчилари, депутатлар, партиянинг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти", бизга хайрихоҳ бўлган кўнгиллилар ҳамжиҳатликда имзо тўплашди. Бу саъй-ҳаракатлар босқичли равишда имзо йиғиш жараёнида анча жадал кечди.

Этиборлиси, авваллари асосан ёши катта инсонлардан имзо олган бўлсак, бу йил ёшлар анча фаол. Улар бизга қўйилмаган саволлар ҳам беришди. Йигит-қизларнинг сиёсий билими ошганини кўриб, хурсанд бўляпмиз.



ИМЗО – ИШОНЧ ДЕМАК

Илҳом ОТАБОЕВ,

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

— Партияимиз фаоллари аҳоли гавжум жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, шифохона, таълим муассасалари, истироҳат боғларида сайловчилар имзосини тўплаш жараёнини қизғин олиб борди. Хусусан, Наманганда ҳам партия мақсадларига хайрихоҳ, юртимиздаги сиёсий жараёнларга ўзини дахлдор билан юртдошларимизнинг имзолари олиняпти.

Этиборли жиҳати шундаки, имзо тўплаш давомида турли қатлам вакиллари учратяпмиз. Улар орасида ёшлар, хотин-қизлар, турли соҳа вакиллари борлиги ва жамиятда ижтимоий тенглик тарафдори эканини билдириб, ўз истаги билан имзо қўйиши эса бизга катта масъулият юклайди.

Аҳамиятлиси, юртдошларимиз ўз хоҳиш-иродаси, истақларини эмин-эркин ифода этишяпти. Бажара олмаган ишларимизнинг сабаби билан қизиқиб, танқид қилувчилар ҳам бўляпти. Бу табиий жараён, бизни изчил ишлашга ундайди.



Умидбек ПОЛВОНОВ

(Хоразм вилояти):

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояни кучайтириш, тенглик ва адолат ҳукм сурган жамиятда аҳолига фаровон ҳаёт улашиш билан боғлиқ ташаббусларни илгари суради. Шунинг учун мазкур партиянинг ғояларини ҳамisha қўллаб қувватлаганман ва турли тадбирларида қатнашиб келяпман. Бу йил ҳам партияни ёқлаб имзоимни бердим.

Ҳамма ўз сиёсий қарашига эга бўлиши керак. Ана шундай жамиятда ривожланиш бўлади. Айниқса, сайловларда бу яхшироқ кўзга ташланади. Шунинг учун ҳамма сайловда фаол иштирок этишини истардим.



Имомқул БЕРДИЕВ,

меҳнат фахрийси (Жиззах вилояти):

— Ўз иродам билан имзоимни Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлаб қўйдим. Унинг ғоялари менга жуда маъқул. Инсонларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши учун ўз ғояларини амалиётга жорий этиб келмоқда. Айниқса, биз каби нуронийларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслари қалбимга яқин.




Мастура ХУРРАМОВА

(Сурхондарё вилояти):

— Тўғриси, авваллари сиёсий партиялар фаолиятига у қадар қизиқмас эдим. Ҳозир ўзгардим. Инсон ўз шахсий фикрига, танловига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Шунинг учун бу йилги жараёнларни кузатиб борапман. Натижада сиёсий партияларнинг ғояларини ўрганишга ҳаракат қилдим.

Уларнинг ҳар бири ўзига хос. ХДПнинг ишсизларга, яқка-ёлғиз фуқароларга ёрдам беришга оид ташаббуслари, жамиятда тенгликни таъминлаш билан боғлиқ принциплари менга ёқди. Муҳими, уларда ҳаётийлик бор, оддий одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган масалалар бор. Ҳамма учун бирдек маъқул келадиган таклифлари кўп. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлаб имзо қўйдим.





ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТИЛДИ

Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари Ўзбекистон учун мамлакат мустақил тараққиёти тарихидаги энг муваффақиятли бўлди.

Бу галги олимпиадада Ўзбекистондан жами 90 нафар спортчи иштирок этди. Мусобақа якунида 13 та медаль жамғарилди. Шулардан 8 таси олтин, 2 таси кумуш ва 3 таси бронза медаллари бўлди. Юртимиз медаллар ҳисобида 206 давлат орасида 13-ўрин, Марказий Осиё, МДХ, Ислам бирдамлиги ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар орасида 1-ўрин, Осиё бўйича эса 4-ўринни (Хитой, Япония ва Жанубий Кореядан кейин) эгаллади.



ҚУЙДА ЎЗБЕКISTON ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ЁЗГИ ОЛИМПИДАЛАРДА КЎРСАТГАН НАТИЖАСИ ВА УМУМЖАМОА РЕЙТИНГИДА ЭГАЛЛАГАН ЎРНИНИ ЭСЛАБ ЎТАМИЗ.



Атланта-1996: 1 кумуш, 1 бронза (жами 2 та) — 58-ўрин;
Сидней-2000: 1 олтин, 1 кумуш, 2 бронза (4 та) — 43-ўрин;
Афина-2004: 2 олтин, 1 кумуш, 2 бронза (5 та) — 34-ўрин;
Пекин-2008: 1 кумуш, 3 бронза (4 та) — 62-ўрин;
Лондон-2012: 3 бронза (3 та) — 75-ўрин;
Рио-2016: 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронза (13 та) — 21-ўрин;
Токио-2020: 3 олтин, 2 бронза (5 та) — 32-ўрин;
Париж-2024: 8 олтин, 2 кумуш, 3 бронза (13 та) — 13-ўрин.

Париждаги тарихий натижалар



Олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари бир қатор тарихий натижаларни қайд этишди. Жумладан:

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси медаллар ҳисобида биринчи ўрин билан дунёнинг энг кучлиси бўлди. Эркаклар жамоасидаги 7 нафар боксчидан 5 нафари олтин медални қўлга киритди. Бу натижанинг тарихийлиги шундаки, бундан олдин 2004 йил Афинадаги ўйинларда Куба 5 та олтин олган. Лекин ўшанда эркаклар 11 та вазнда кураш олиб борган. Демак, фоиз кўрсаткичлари билан ҳисобланса боксчиларимиз катта рекорд қайд этишди.

Таъкидлаш керакки, Диёра Келдиёрова Ўзбекистон тарихида дзюдо бўйича олтин медални қўлга киритган биринчи спортчи бўлди. Яна бир жиҳатни эслаб ўтиш лозим. Диёра амалдаги иккита Олимпия чемпиони мағлубиятга учратиб, ғолибликни қўлга киритди. Бунгача дзюдочилар иккита кумуш (1996 йилда Армен Багдасаров ва 2008 йилда Абдулла Тангриев), шунингдек, 5 та бронзага (2008, 2012 ва 2016 йилларда Ришод Собиров, 2016 йилда Диёрбек Ҳрозбоев ва 2020 йилда Давлат Бобонов) эга бўлишган.

Шунингдек, у ёзги Олимпия ўйинларида аёллар ўртасида Ўзбекистонда олтин медални қўлга киритган биринчи спортчи ҳамдир. Бунгача ягона олтинни 1994 йилда қишки олимпиада ўйинларида эркин чанғичи Лина Черязова қўлга киритган эди.

Токио-2020 олимпиадасида Улуғбек Рашитов олтин медални қўлга киритгани ва шу билан ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очганди. Айнан у 19 ёшида ўзига Олимпия чемпиони унвонини беришга муваффақ бўлган биринчи ўзбек таэквондочиси ва Ўзбекистон тарихидаги энг ёш Олимпия чемпиони бўлган. Парижда эса у боксчилар Ҳасанбой Дўсмаатов ва Баҳодир Жалолов билан бирга икки карра олимпиада чемпиони бўлди.

Баҳодир Жалолов ҳам оғир вазнда икки карра олимпиада чемпиони бўлган тарихдаги илк боксчи ҳисобланади.

Таэквондочилар Светлана Осипова Ўзбекистон тарихидаги аёллар ўртасидаги ёзги Олимпия ўйинларида Пекин-2008да Екатерина Хилко (батут) ва Париж-2024да Диёра Келдиёровадан (дзюдо) кейин учинчи медални қўлга киритди. Осипова, шунингдек, таэквондо бўйича Ўзбекистоннинг биринчи олимпиада кумуш медални қўлга киритган спортчи ҳисобланади.

Разамбек Жамалов Париждаги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритди ва бу Ўзбекистон учун эркин кураш бўйича сўнги 20 йил ичида биринчи медаль бўлди.

Олимпиада ўйинлари якунига кўра, АҚШ терма жамоаси 2024 йилги олимпиада ўйинларида медаллар жамғармаси бўйича биринчиликни қўлга киритди. Америкаликлар ҳисобида 127 медаль (40 олтин, 44 кумуш, 43 бронза) бор. Хитойлик спортчилар 91 та медаль билан (40 олтин, 27 кумуш, 24 бронза) жадвалда иккинчи ўринни, Япония эса учинчи ўринни (45 медаль: 20 олтин, 12 кумуш, 13 бронза) эгаллади.

PARIS—2024 MEDALLAR JAMLANMASI		YUKSALISH																																																			
	Diyora Keldiyorova dzjudo		Ulug'bek Rashitov taekwondo																																																		
	Hasanboy Do'smatov boks		Lazizbek Mullojonov boks																																																		
	Asadx'ja Mo'ydinkho'jaev boks		Razambek Jamalov erkin kurash																																																		
	Abdumalik Halokov boks		Bahodir Jalolov boks																																																		
	Akbar Jo'raev og'ir atletika		Svetlana Osipova taekwondo																																																		
	Muzaffarbek To'raboyev dzjudo		Alisher Yusupov dzjudo																																																		
	G'ulomjon Abdullayev erkin kurash																																																				
Umumiy hisobda: <table border="1"> <tr> <th></th> <th>O</th> <th>K</th> <th>B</th> <th>Jami</th> </tr> <tr> <td>1 Xitoy</td> <td>39</td> <td>27</td> <td>24</td> <td>90</td> </tr> <tr> <td>2 AQSH</td> <td>38</td> <td>42</td> <td>42</td> <td>122</td> </tr> <tr> <td>3 Avstraliya</td> <td>18</td> <td>18</td> <td>14</td> <td>50</td> </tr> <tr> <td>13 O'zbekiston</td> <td>8</td> <td>2</td> <td>3</td> <td>13</td> </tr> </table>			O	K	B	Jami	1 Xitoy	39	27	24	90	2 AQSH	38	42	42	122	3 Avstraliya	18	18	14	50	13 O'zbekiston	8	2	3	13	Osiyo mamlakatlari o'rtasida: <table border="1"> <tr> <th></th> <th>O</th> <th>K</th> <th>B</th> <th>Jami</th> </tr> <tr> <td>1 Xitoy</td> <td>39</td> <td>27</td> <td>24</td> <td>90</td> </tr> <tr> <td>2 Yaponiya</td> <td>18</td> <td>12</td> <td>13</td> <td>43</td> </tr> <tr> <td>3 J. Koreya</td> <td>13</td> <td>8</td> <td>9</td> <td>30</td> </tr> <tr> <td>4 O'zbekiston</td> <td>8</td> <td>2</td> <td>3</td> <td>13</td> </tr> </table>			O	K	B	Jami	1 Xitoy	39	27	24	90	2 Yaponiya	18	12	13	43	3 J. Koreya	13	8	9	30	4 O'zbekiston	8	2	3	13
	O	K	B	Jami																																																	
1 Xitoy	39	27	24	90																																																	
2 AQSH	38	42	42	122																																																	
3 Avstraliya	18	18	14	50																																																	
13 O'zbekiston	8	2	3	13																																																	
	O	K	B	Jami																																																	
1 Xitoy	39	27	24	90																																																	
2 Yaponiya	18	12	13	43																																																	
3 J. Koreya	13	8	9	30																																																	
4 O'zbekiston	8	2	3	13																																																	



Олимпиада совриндорлари:

ОЛТИН МЕДАЛЬ:

Диёра Келдиёрова (дзюдо, -52 кг);
Улуғбек Рашитов (таэквондо WT, -68 кг);
Разамбек Жамалов (эркин кураш, -74 кг);
Ҳасанбой Дўсмаатов (бокс, -51 кг);
Абдумалик Халаков (бокс, -57 кг);
Асадхўжа Мўйдинхўжаев (бокс, -71 кг);
Лазизбек Мулложонов (бокс, -80 кг);
Баҳодир Жалолов (бокс, +92 кг).

КУМУШ МЕДАЛЬ:

Акбар Жўраев (оғир атлетика, -102 кг);
Светлана Осипова (таэквондо WT, +67 кг).

БРОНЗА МЕДАЛЬ:

Музаффарбек Тўрабоев (дзюдо, -100 кг);
Алишер Юсупов (дзюдо, +100 кг);
Гўломжон Абдуллаев (эркин кураш, -57 кг).

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 837. 3311 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.